

<b>Мавзу</b>	<b>Кесувчи асбобнинг ейилишини ўрганиш</b>
--------------	--

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машгулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 12 – 15 гача
<i>Машгулот шакли</i>	Лаборатория
<i>Лаборатория машгулоти режаси</i>	1. Кесувчи асбобнинг ейилиши ҳақида маълумотлар 2. Кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичида ейилиши
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Кесувчи асбобнинг ейилиши, ейилиш турлари ва ейилиш даврларини ўрганиш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кесувчи асбобнинг ейилиши ҳақида маълумотлар бериш.</li> <li>• Кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичида ейилишини ўргатиш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кесувчи асбобнинг ейилиши ҳақида маълумотларга эга бўлишади.</li> <li>• Кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичида ейилишини ўрганиб олишади.</li> </ul>
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали лаборатория, суҳбат, «Қандай» техникаси
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. «Кесувчи асбобнинг ейилишини ўрганиш» лаборатория  
машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид адабиётлар рўйхатини тавсия этади ва маъруза бўйича баҳолаш мезонлари тушунтиради. (2-илова).	<b>Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Кесувчи асбобнинг ейилиши тўғрисида Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш орқали умумий тушунча беради. (3-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичида ейилишини ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Қандай” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (5-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун кейинги лаборатория машғулоти мавзусини тақдим этади ва ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб олади.</b>